

O'ZBEKISTON  
RESPUBLICASI  
MILLIY FIYDALI  
№11

Хақсевар, она юрт, мангу бўл обод!



# ТОШКЕНТ ХАҚИКАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган

2003 йил 1 январь, чоршанба

№1 (11,492)

Эркин нархда сотилади

## Ўзбекистон халқига Янги йил табриги

Азиз ватандошларим, юртдошларим!

Барчамиз мана шу лаҳзаларда оила, ёру биродарларимиз даврасида жамулжам бўлиб, байрамона дастурхонлар атрофида тўпланиб, ўтиб бораётган эски йил билан хайрлашиб, кираиб келаётган янги йилни кўтиб олиш учун тайёргарлик тарадудини кўрмоқдамиз.

Мана шу файзли ва унутилмас окшошда мен ҳам кўпчилик қаторида сиз қадрдонларимни бағримга босиб, Янги йил байрамингиз билан қизгин муборакбод эстаман ва шу кўтлуғ айём арафасида барчангизга энг энг, самимий тилакларимни, чексиз меҳр-ҳурматимни билдиришдан бахтиёрман.

Хақикатан ҳам, ҳаяжонли, шуқули ушбу дақиқаларда хар биримиз яқиниға етаётган йилда бошимиздан кечирган, бир-бирига ўшамайдиган кунларни беихтиёр ҳаёлимиздан, кўз ўнгимиздан яна бир бор ўтказамиз. Бамисоли дарёдек ўтиб бораётган вақтнинг ҳаётимида қолдирган изи ва таъсири, умрининг ганиматлиги ҳақида ўйлаймиз.

Шу дамларда, аввало, барчамизни шу кунларга етказиб, мушкуллимизни осон, йўлимизни раван қилиб, ўз панохида сақлаб, асраб келаётгани учун Парвардигоримизга шукроналар айтишимиз ўринлидир.

Биз бугун бир йил давомида босиб ўтган, ҳаёт кувончлари ва ташвишлари, орзу ва умидларимиздан иборат даврни кузатар эканмиз, уни ижобий баҳолашимиз, халқимиз таъбири билан айтганда, берганига рози бўлишимиз табиий, деб ўйлайман.

Кўпмиллатли юртимизда йил давомида тинчлик ва осойишталикни, тотувлик ва ҳамжиҳатликни сақлаб, ўз уйимизни ҳозирги кунда бутун дунёда энг катта ҳавф бўлиши халқро терроризмдай муҳиш хатардан асраб, остонамизда бало-қазо бўлиб турган ёвуз кучлардан халос бўлганимиз – барчамизга, авваламбор қарияларимиз, аёлларимиз ва болаларимизга эркин нафас олиш ва келажакка ишонч билан қараш учун замин бўлди.



барчаси келгуси йилларда ҳам бизнинг асосий мақсад-муддаоларимиз бўлиб қолиши шубҳасиз.

Мухтасар қилиб айтганда, яқиниға етаётган йилда Ватанимизнинг дунёда обрў-эътибори, нуфузини янада ошириш борасида, ички ва ташқи сиёсатда, барча соҳаларда қўлга киритган марраларимиз билан хар қанча фахрлансак, гурулансак арзийди, албатта.

2003 йилни мамлакатимизда "Обод маҳалла йили" деб эълон қилганимиз замирида ҳам мана шундай ноёб, фақат бизнинг халқимизга хос ўзини ўзи бошқариш тизими, тинчлик ва барқарорликни таъминлашда беқиёс аҳамиятга эга бўлган, фуқаролик жамиятининг асоси бўлиши маҳалла мисолида, миллати, тили ва динидан қатъи назар, юртимизда истиқомат этаётган бачча инсонларнинг Ватани – Ўзбекистон деб аталмиш ягона уйимизни янада обод ва фаровон қилиш мақсади муҳим эканини айтишимиз зарур.

Мана шундай қараш ва интилишлар одамларимиз, айниқса уни-ўсиб келаётган ёшларимизнинг онги ва тафаккурига чуқур кириб борса, уларнинг фаоллигини оширишга, ҳаётда бефарқ бўлиб яшамасликка ундаса, улар мана шу тупроқ, мана шу Ватан меники, унинг тақдири ва келажиги менинг ва оиламнинг тақдири ва келажиги билан чамбарчас боғланган деб яшайдиган бўлса, барча энг тилакларимиз ва орзу умидларимиз рўёбга чиқиши мўжарар, иншоолло.

Қадрли ва азиз ватандошларим!

Барчангизни кириб келаётган Янги йил байрами билан яна бир бор чин қалбимдан табриклайман.

Янги йил хар бир юрдошимиз, хар бир оилага бахту саодат, тинчлик ва файзу барака олиб келсин.

Мана шу табаррук айёмда килаётган барча яхши ниётларимиз ижобат бўлсин!

Ватанимиз тинч, халқимиз ҳаммаша омон бўлсин! Янги йил ҳаммамизга муборак бўлсин!

Ислом КАРИМОВ,  
Ўзбекистон Республикаси Президенти.

## Фарзандларимиз парвози баланд бўлсин!

2002 йилнинг 24 октябрида Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини ташкил этиш тўғрисида"ги Фармони эълон қилинган эди. 29 декабрь куни Оқсарой қороргоҳида мазкур жамғармани ташкил этиш билан боғлиқ масалаларга бағишланган мажлис бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчилари, Бош вазир ўринбосарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, уюшма, компания, корпорациялар ва бошқа мутасадди идоралар раҳбарлари иштирок этди. Мажлисни Президент Ислом

Каримов бошқарди. Давлатимиз раҳбари Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг мақсад ва вазифалари ҳақида тўхталар экан, мамлакатимизда соғлом авлод тарбиясига алоҳида эътибор берилаётганини таъкидлади.

Истиқлол йилларида шўролар замонида одатий ҳолга айланган эко-

логик зуғум, болаларнинг оммавий тарзда бутифос каби кимевий оғулардан захарланиши, камқонлик ва шунга ўхшаш бошқа хасталиқларга чалинишига чек қўйилди. Лекин, деди Президент, ачиқ бўлса ҳам бир ҳақиқатни тан олишимиз керак: соғлом авлод тарбияси кўпроқ бир ёқлама, яъни тиббиёт йўналишида олиб борилмоқда. Ваҳоланки, спорт азал-азалдан ҳам жисмоний, ҳам маънавий етуқлик омили бўлиб келган. Халқимиз бежиз, соғлом танда – соғлом ақл, демайди.

Спортнинг миллий генофондни ях-

(Давоми 2-бетда).

## БОЛАЛАР ҚАЛБИ ШОДЛИККА ТЎЛДИ



Таъбир жоиз бўлса, республиканинг барча вилоятларида ўрнатилган Президент арчиси бутун мамлакатда Янги йил байрами тонтаналарини бошлаб берди. Тошкент вилояти ҳам бундан мустасно эмас, албатта.

Хар йилгидек, Янгийўл шаҳридаги «Мадина» қаҳвахонасининг муҳташам залида ўрнатилган «Янгийўл» метри Президент арчиси беҳисоб ўйинчоғу ранга-ранг лампочкалар билан шундай моҳирона безатилганки, у ноёб санъат асаридек кўзни қувонтиради. Барча шаҳар ва туманлардан ташриф буюрган 400 нафар болалар байрамона безалган яшил ўрмон маликасини томоша қилиб, тўймайдилар. Улар орасида кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари, етим ва ногирон болалар ҳам бор. Кўркам арча атрофида жамулжам бўлган кичкинтойларни биринчи бўлиб вило-

ят ҳокими Умнат Мирзақулов янги йил билан қизгин ва самимий табриклади, уларга Президент совғаларини тақдим этди. Рангли қозғоқ халтачаларга жойланган бири-биридан чиройли ўйинчоқлар, «Росси» кўшма корхонаси томонидан тайёрланган турли ширинликлар ўғил-қизларга олам-олам қувонч бахш этди. Тантанали очилиш маросимидан сўнг болалар оризиқиби кутган байрам томошаларига наевбат келди. Бир эмас, уч нафар Қорбобо сахна ўйинларини бошқариб боришди. Байрамга келган деярли ҳамма болалар улар билан қўл ушлаш рақсга тушиш ва хатто, сўхбатлашиш бахтига муяссар бўлдилар.

Президент арчиси атрофидаги ўйин-қулгилар икки соатдан зиёд давом этди. Ҳатто, каттаоқ хал болаларга қўшилиб, мириқиб рақсга тушишди. Одатда, хар қандай эртақ ақинида энг уллик ёвузлиқ устидан галаба қилади. Бу сафар ҳам шундай бўлди. Барча ёвуз кучлар маҳв этилди, энг уллик тантана қилди. Болаларга ана шундай хотима, айниқса, ёқиб тушиди ва томошалар яқини ҳақиқий карнавалга айланиб кетди.

Фарзандларимиз учун ташкил этилаётган бундай арча байрамлари барча шаҳар ва туманларда давом этмоқда.

СУРАТЛАРДА: Янгийўл шаҳрида бўлиб ўтган Президент арчисида вилоят ҳокими Умнат Мирзақулов болаларга совғалар бермоқда; байрамдан лаяҳалар. Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.

Дил изҳори

Омон МУХТОР,  
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби

## ОРЗУ ВА УМИДЛАР ОСТОНАСИДА

Ҳижрий янги йилми, мелодий янги йилми – биз бахтли халқ эканмиз, хар иккисини ҳам нишонлаймиз. Бир неча минг йиллик кўҳна тарихимиз буларнинг иккисига ҳам боғлиқ бўлиб келган. Минг-минглаб китобларда

ҳижрий саналар, яна шунча китобларда мелодий саналарга кўзимиз тушади. Иккиси ҳам бизнинг ҳаётимиз, доимий байрамимиз.

(Давоми 2-бетда).



2003 йил – Обод маҳалла йили

## МАҲАЛЛА ОБОД – ЮРТ ФАРОВОН

Қадим-қадимдан хар бир ўзбек учун маҳалла қадрли маскан. Бундай жамоа бирлашмалари яхши кунингда қувончинга шерик, изтиробли дамларингда дардинга малҳам, елкадош. Шу ўринда Юртбошимизнинг маҳалла ҳақида айтган ушбу сўзларини келтириш ўринли: «Шарқ оламида, ислом фалсафасида одамларнинг ма-

ҳалла, яъни жамоа бўлиб яшашида, жамият ҳаётида тинчлик ва осойишталикни сақлашда, меҳр-оқибатлик, шафқат ва муруват нақадар катта ўрин тутганини англаш мумкин». Ана шу жиҳатдан 2003 йил «Обод маҳалла йили» деб эълон қилинишида ҳам рамзий маъно бор.

(Давоми 3-бетда).

# Янги йилингиз муборак, азизлар!



XXI аср арчаси

Халқимиз шоду хуррамлик билан нишонлайдиган Янги йил байрами бошланди. Ҳар сафар болалар Янги йилдан ажойиб совгалар кутишди.

Шу муносабат билан "Совпластитал" Ўзбекистон-Италия йўналиши корхонаси ўтган йил охирида мамлакатимиз пойтахтида арча безаклари ва уйинчолар сотишга мўлжалланган махсус дўкон очди. Беш ёғоч майдонига очилган янги дўконда англичилар талайгина. Жумладан, ўзига хос XXI аср арчаси шулардан биридир. Янги йил дастури яқунланган, у уйинчолар билан бир қаторда уйни безатиш имконини беради.

"Совпластитал" маҳсулотига нафақат мамлакатимизда, балки хорижда ҳам талаб катта. Ўтган йилларда корхона маҳсулот сифатини охирида ва турларини кўпайтирди. Бу маҳсулотлар бугунги кунда бошқа мамлакатларда ҳам жуда харидор-гир.

Х. СОДИҚОВА, ЎЗА мухбири.

Шу азиз Ватан – барчамизники

Хаётимда деярли олти йилдан буён синиб келаяман. Бу йилларинда дебючаси оғир кечган. Буни бутун халқимиз — Крым та...

Ҳаётимизда деярли олти йилдан буён синиб келаяман. Бу йилларинда дебючаси оғир кечган. Буни бутун халқимиз — Крым та...

«БИРМИНГЕМ МАШЪАЛАСИ» СОҲИБЛАРИ

Бу юксак мукофот кўпмиллатли корхонамиз жомоасининг меҳнатига берилган баҳодир. Шунинг учун ҳам, у биз учун ўта азиздир.

Эндигинаки, бизнинг «Бирмингем машъаласи» соҳиблари... Ҳаётимизда деярли олти йилдан буён синиб келаяман. Бу йилларинда дебючаси оғир кечган. Буни бутун халқимиз — Крым та...

Диёримиз — Фахримиз

Туманимизда ўзбеклар ва қозоқлар азалдан ёнма-ён яшаб келишди. Улар ҳаммиса бир-бирларини «Биродарим, ўз оғам» деб билишган, қиз бериб, қиз олишган, яқин қон қариндошга айланиб кетишган.

Ўзбекистон мустақил ривожланишига ўтган дастлабки йиллар унчалик оддий, осон кечмаганлигини яхши эслаймиз. Бозор муносабатлари, иқтисодий алоқаларнинг янги механизмлари амал қила бошлаган бир шароитда кўпгина корхоналар яшаб қола олмади.

01 оғоҳлантироғи

Кўнгилисизлик бўлмасин

Янги йил байрамиди чиройли ясаётган арчасиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Мактаб ва болалар боғчаларида, корхона ва ташкилотларда, хуллас, ҳамма жойда янги йил арча байрами ўтказилади.

ДАСТУРХОНДА «МЕВА-ШАРБАТ» НЕЪМАТЛАРИ

Республика «Мева-шарбат» бодорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-ишлаб чиқариш корпорацияси жомоаси 2002 йилни ҳар бир тармоқда юксак иқтисодий кўрсаткичлар билан якунлаб, Янги йил байрами дастурхонига хилма-хил ноз-неъматлар етказиб берди.

Рига мурожаат этиб, истаган турдаги қўчатларни керагича ҳарид қилишлари мумкин. — Корпорациянинг илмий-тадқиқотлар олиб бориш учун ажратилган 250 гектар майдонинда изланиш, тажриба, синов ишлари ҳам изчил давом этмоқда.

Абдусамд йўлдошев, «Тошкент ҳақиқати» мухбири.



Суратда: корпорациянинг марказий ҳўжалиги ходими Раҳматулло Каримов (ўнган чапга), Эркин Имомжонов ва Шавкат Каримов лимон ҳосилини кўздан кечирмоқда.

Илмининг илк мусоҳабаси ИНСОН АЗИЗ

Муҳайё Тўлаганова, Тошкент вилоят қасаба уюшмалари кенгашининг раиси

Мустақиллик йилларида ҳуқуқий давлат ва демократик жамиятни барпо этиш борасида катта ишлар амалга оширилди. Бу жараёнда қасаба уюшмалари ҳаракатининг ўрни алоҳида бўлаётди.

01 оғоҳлантироғи

Кўнгилисизлик бўлмасин

Янги йил байрамиди чиройли ясаётган арчасиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Мактаб ва болалар боғчаларида, корхона ва ташкилотларда, хуллас, ҳамма жойда янги йил арча байрами ўтказилади.

Вилоятимиздаги 1249 та маҳаллада халқимизнинг маънавий-маданий ҳаётини сермазмун қилишига қаратилган талай ишлар амалга оширилмоқда.

МАҲАЛЛА ОБОД — ЮРТ ФАРОВОН

публика микёсида ғолиб обод маҳалла деб тан олинди. Турли мавзуларда ўтказилган тадбирлар, учрашувлар, очик мулоқотларга доир бундай мисолларни кўплай келтириш мумкин.

ИШ ГУЗАРДАН БОШЛАНАДИ

Абдуқодир БЕГМАТОВ, Ангрендаги «Ангрен — Лент» ҳусусий корхонаси раҳбари:

обод маҳалла деб тан олинди. Турли мавзуларда ўтказилган тадбирлар, учрашувлар, очик мулоқотларга доир бундай мисолларни кўплай келтириш мумкин.

Тўлқин МИРКОМИЛОВ, «Маҳалла» ҳайрия жамғармаси Тошкент вилояти бўлимининг раиси.

КўРИК-ТАНЛОВ ДАВОМ ЭТАДИ

Ангренда ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва жойларнинг санитария ҳолатини яхши-лашга доим катта эътибор бериб келинмоқда. Шу мақсадда ўтган йили шаҳар ҳақимининг қарори билан «Энг обод маҳалла», «Энг обод корхона» ва «Энг обод ўқув юрти» кўрик-танлови ташкил этилган эди.

Ўз мухбиримиз.

Рамзия СУЛАЙМОНОВА, Тошкент вилояти ички ишлар бошқармаси ёнги хавфсизлиги бошқармасининг муҳандиси.

ҲАР НОМНИНГ ЎЗ МАЪНОСИ БОР

Ҳозир амалда бўлган тақвимдаги ўн икки ой номи таърифи

Январь — Маъбуд Янус шарафига «январийус» деб аталган. Римликларнинг эътиқодича, икки юзли Янус ҳар бир нарсанинг боши ва охири-нинг ҳомийси бўлган эмиш.

Февраль — Латинча «февруариус» сўзи тозаланиш, покланиш маъносини билдиради.

Март — Бу ой деҳқонлар ва чорвадорлар ҳомийси Марс шарафига аталган, «мартуус» сўзидан олинган.

Апрель — «Апфире» сўзидан келиб чиққан бўлиб, ўз инъомларини мамоён қилувчи деган маънони билдиради.

Май — Маъбуда Майя (майус) исмидан олинган, гўзаллик, шодхуррамлик ойна ҳисобланади.

Июнь — Юпитернинг хотини — маъбуда Юнона шарафига қўйилган. Афсоналарга кўра, Юнона аёллар ҳомийси, эрхотинлар кўша қариши, ували-жували бўлишининг тарафдори.

Июль — Рим давлат арбоби ва лашкарбоҳиси Юлий Цезарь шарафига шундай аталган.

Август — Рим императори Октавиан Август шарафига қўйилган.

Сентябрь — Қадимда римликларнинг ўн ойлик тақвимида еттинчи ой бўлиб, латинча «септембер» (етти) сўзидан олинган.

Октябрь — Қадим римликлар тақвимида саккизинчи ой, латинча «октобер» (саккиз) деган маънони беради.

Ноябрь — Латинча «нозембер» (тўққиз) сўзидан олинган, қадимги римликлар тақвимида тўққизинчи ойна аталган.

Декабрь — Латинча «децембер» сўзидан келиб чиққан бўлиб, ўн деган маънони беради.

Ҳар қайси инсон, ҳар қайси хонадон ҳаётида, давлат ва жамият бошқарувида, одамларнинг бошини қовуштириш, турар-жойларда тартиб-интизомни мустаҳкамлашда, ўзини ўзи бошқариш тизimini жорий қилишда маҳалланинг роли, аҳамияти ва моҳияти кундан-кунга ошиб бораётганини барчамиз кўриб турибмиз.

Ислон КАРИМОВ.



2003 йил ОБОД МАҲАЛЛА ЙИЛИ



БУРЖЛАР ВА ШАМСИЙ ЙИЛ ОЙЛАРИ

Table with 3 columns: Burjlar, Ўзбек тилида, Зодиак белгиси. Lists months from January to December with corresponding zodiac signs and names.

Ўзбек мақоллари:

- 1. Ҳамал кирди — амал кирди. 2. Саврнинг саноғида қишнинг ёғини бор. Савр экинга давр. 3. Жавзонинг ярмида сув тағида арпа пишар. 4. Сарвтонда сув қуй, асада тек қуй. 5. Асад — экинингни яса. Асада оралаб е, сунбулада — саралаб. 6. Сунбулада сув савир, мезонда — кун. 7. Ҳамалдан сунг киш кутма, мезондан сунг — ва. 8. Ақраб келар хайкириб, авзини чакириб. 9. Квасда экунча қовурмоқ қил. 10. Жадийда йилнингни чўт қил, янги режангни бут қил. 11. Дала келди — деҳқонга гал келди. 12. Яхши келса хут, хурма-хурма сут, ёмон келса хут, керагада пут. 13. Изоҳ: Буржлар — зодиак, яъни Кўёшнинг осмон куббасидаги йўлига жойлашган юлдуз туркумлари. Шамсий йилнинг биринчи ойна — Ҳамал Наврўз байрами нишонланадиган баҳорги тенгқунлик кунидан бошланади. Саратоннинг боши — энг узун кун. Мезоннинг боши — кузги тенг кунлик. Жадийнинг боши — энг қисқа кунга тўғри келади.

Calendar grid for 2003, showing days of the week and dates for each month from January to December.

БАЙРАМ КУНЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қуйидаги кунлар байрам (дам олиш кунни) деб белгиланган: 1 январь — Янги йил 8 март — Хотин-қизлар кун 21 март — Наврўз байрами 9 май — Хотира ва Қадрлаш кун 1 сентябрь — Мустақиллик кун 1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар кун 8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кун — Рамазон ҳайитининг биринчи кун — Курбон ҳайитининг биринчи кун

МУЧАЛЛАР:

Table with 2 columns: Year, Mutchalar (number of sheep). Lists years from 1900 to 1911 with corresponding numbers of sheep.



ШАРҚОНА ТАЪРИФ

Мучал тақвими бўйича 2003 йил 21 мартдан бошлаб қўй йили кириб келади. Қўй мучалида туғилганлар кучли севи ва яқин кишиларига нисбатан ҳурмат-эҳтиром каби фазилатларга эга. Улар яқинлиқни эҳтирмайдилар. Нуфузли зотлар билан яқин бўлишда интиладилар. Эрак ва аёллари ҳам намунали кишилардир. Қариган чоғларида оғир ва босиқ бўладилар. Ҳаммамизга Қўй йилида вазминлик ва босиқлик насиб этсин!

TOШKENT ҲАКИҚАТИ TASHKENTSKAYA PRAVDA

Муассис: ТОШKENT ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир ФАТХИДДИН МУҲИДДИНОВ

Телефонлар: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 8 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.